

**«...Мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда».**


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 1-sentabr • Juma • 104-105 (27.597) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Қадрли ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз сана – Ватанимизнинг Мустақиллик куни, истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган Мустақиллик кунини катта хурсандчилик ва ишонч билан нишонлар эканмиз, тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида рўёбга чиқарган орзу-умидларимиз, амалга оширган ишларимизни баҳолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эришмоқчимиз, деган саволларни қўйишимиз табиийдир.

Мустақиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши:

— ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган қадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг мўътабар номларини жой-жойига қўйиш;

— миллий онг, миллий ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллатига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Иқтисодий ҳаётимизда:

— собиқ марказдан туриб режалаштирилган эскича тақсимлаш тизимидан, бирёқлама ривожланган иқтисодиётдан воз кечиш;

— бутунлай янгича, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, таркибий ўзгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мақсадлари сари, хусусий мулкнинг мавқеини оширишга қаратилган қатъий ислоҳотларни олиб бориш;

— энергетика ва ёқилғи масаласида, аҳолимизни ғалла, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида мустақилликка эришиш;

— кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини устувор даражага кўтариш, давлат ва жамият томонидан уларни ҳимоя қилиб, барча ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб турибди.

Бундай чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнлари охирги беш-олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, ҳаётимиз даражасини оширишга мустаҳкам замин барпо этмоқда.

Юртдошларимизда эгалик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнатим сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмоқда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлигини энг юксак қадрият ва бойлик деб англаш, шу бойликни асраш, ҳимоялаш ва жамиятимиз ҳаётида энг устувор ўринга кўтаришдек эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни айнан шу мақсадларга бўйсундиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз амалий натижаларини тобора кўпроқ намоён этмоқда ва халқаро майдонда тан олинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажагини ўйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсадларимизни кўзлаб, халқимиз ҳаётида меҳр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизда амалга оширилаётган эзгу тадбир ва дастурларимиз аҳолимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътиқодига кўрсатаётган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ижобий таъсирини ҳар қадамда кўриб-сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак қадрлаймиз.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, қолаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда.

Ва уларнинг келажагимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида — буни барчангизнинг олдингизда, сизлар орқали бутун халқимиз олдида ҳисобот тариқасида айтмоқчиман — мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор — қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай тўфонли ва суронли кунларни бошимиздан ўтказган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз ватандошлар!

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очиқ ва равшан — демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш.

Халқимизнинг асрлар давомида орзиқиб кутган ва интилиб яшаган мана шундай эзгу мақсадларидан, ўзини ҳар томонлама оқлаган истиқлол йўлидан бизни оздириб, ортга қайтармоқчи, таҳлика ва таҳдид етказмоқчи бўлган куч ва ҳаракатларга — булар Ватанимизни кўра олмайдиган ғанимларимиз, қўпорувчи ва тажовузкор кучлар бўладими, бизга тазйиқ, зўравонлик кўрсатиб, ички ишларимизга аралашишга, қандай яшашни ўргатишга қаратилган уринишлар бўладими, экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларни остонамизга олиб келишга уринаётган кимсалар бўладими — қандай шакл ва ниқобни юзига тортмасин, уларнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номаъқул интилишлар, қўпорувчилик ва ёвуз ҳаракатлардан қайтинглар — ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бунинг исботи — биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуғ олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуғ соҳибқирон ва саркардалар.

Бунинг замини — кўпни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бугун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечираётган бунёдкор халқимиздир.

Бунинг мезони — тинчлигимиз ва хавфсизлик ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидойилик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришга қодир бўлган Қуролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиғи — билаги, бели бақувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, манаман деганлар билан ҳам беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиздир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Бугун, мана шу шукуҳли айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда кўп-кўп қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам шу фикрга қўшиласиз.

Бугун ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуғ, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Табаррук отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз кўрки бўлган меҳрибон ва мунис аёлларимизга, навқирон ёшларимизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Оллоҳ назари тушган юртимизни ёмон кўзлардан Ўзи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ВАТАН!

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — истиқлолимизнинг қутлуғ ўн беш йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Аждодларимизнинг асрий орзулари амалга ошган мазкур кун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.**

**ЎН БЕШ ЙИЛ.** Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.

Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритилган буюк тарихий ютуғидир. Ўн беш йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.


2-бет




## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2006 йил 4 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг ўн беш йиллиги муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Ҳозир Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар, ҳақиқатан ҳам, юксак даражага чиқди ва стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик тамойиллари негизида, анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланиб бормоқда.

Сиз билан ўртамизда бўлиб ўтган ошкора, инон-ишонч руҳидаги мулоқотларни юксак қадрлайман. Бундай мулоқот Россия — Ўзбекистон ўзаро ҳаракатларига оид масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, мамлакатларимизнинг кўплаб халқаро муаммолар бўйича баҳамжиҳат позициясини ишлаб чиқиш, ҳозирги замоннинг хавф-хатар ва таҳдидларига қарши биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан курашиш имконини беради. Ишончим комилки, бундай ёндашув Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш манфаатларига муттасил хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзолигини қайтадан бошлаш тўғрисида қабул қилган қарорингизни юксак қадрлашимизни қайд этишга яна бир бор ижозат бергайсиз. Бу қарор Ташкилот самарадорлигини ошириш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида қўшимча имкониятлар очади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлик ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрь — Ўзбекистон мустақиллиги куни байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан йўллаётган қутловларимни қабул қилгайсиз.

15 йил муқаддам, 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Совет Иттифоқидан мустақиллигини эълон қилди ва янги келажакни барпо этмоқ учун ўзининг қадимий анъаналари ва маданиятига мурожаат этган ҳолда ислоҳотларни амалга ошира бошлади.

Ўша пайтдан буён дунё анча ўзгарди, мамлакатларимиз эса ҳамкорлик йўлидан бориб, мавжуд таҳдидларга ҳам, янги хавф-хатарларга ҳам барҳам бериб бормоқда. Биз 2002 йилда кўплаб соҳалар, жумладан, терроризмга қарши кураш ҳамда демократик ва бозор ислоҳотларини олға силжитиш борасида ҳамкорлик қилишга содиқлигимизни мустаҳкамлаган стратегик шериклик йўлига қадам қўйдик.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида биз демократик ва гуллаб-яшнаётган Ўзбекистоннинг мана шу кенг кўламдаги дастури ҳаётга татбиқ этилишига содиқ бўлиб қолаверамиз ҳамда Ўзбекистоннинг тўла суверенитети ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашдан иборат мустаҳкам позициямизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ЗИЁРАТИ

**Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг наинки манзарасини, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.**





Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Эзгулик аркаси, айниқса, Бахтиёр она ҳайкалининг қад ростлаши ушбу обидаларга беқиёс уйғунлик ва улуғворлик бағишлади.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали, Эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак биргаликда яхлит ансамбль ҳисобланади. Бу ёдгорлик мажмуи Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб аталади. Эндиликда юртимизга ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари, давлат ва жамоат арбоблари ушбу ёдгорликка таъзим бажо этиб, халқимизга, юртимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқдалар. Ҳамюртларимиз, ёшларимиз, айниқса, янги ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвларнинг шу файзиёб қадамжони зиёрат қилиши яхши анъанага айланди.

31 август куни эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиб, истиқлол ва эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Бундан буён умумхалқ байрамларида, турли тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат қўмиталари, концерн ва корпорациялар, муассаса ва уюшмалар, жамоат ташкилотлари номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

Шу куни Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Кечгача бу ерга узоқ-яқиндан келиб-кетувчиларнинг қадами узилмади. Фарзандини бағрига босиб турган мунис она сиймоси — Бахтиёр она ҳайкали пойи кун давомида анвойи гулларга бурканди.

**Ғ.МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Суратларда:*** *гулчамбар қўйиш маросими.*

**Дилшод ЮСУПОВ ва Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

## МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА

Истиқлол туфайли миллатимиз, халқимиз шаъни, ор-номуси, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатағон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, эл-юртимизнинг суюкли фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай хайрли ва савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг кенг нишонланиши олдидан бугунги дориломон кунларга етишишимизга сабабчи бўлган, юрт мустақиллиги, Ватан тараққиёти йўлида жонини фидо қилган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи-покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.


2-бет

# ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ВАТАН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон қисқа вақтда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. 1992 йилда республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Кейинчалик бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотларга қўшилиб, ўзининг мустаҳкам, изчил мавқеини эгаллаб келмоқда. Давлатимизни дунёнинг 165 давлати тан олгани, 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилгани ҳам унинг дунёда ўз айтар сўзи борлигидан далолатдир. Жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон билан ҳисоблашаётганини пойтахтимизда қирқдан зиёд элчихонанинг фаолият кўрсатаётгани, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб тургани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимиз БМТ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми — суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос бўлган ярашув институти жорий этилди. Ўтган йилларда жиноят қонунчилигидаги ўлим жазоси билан боғлиқ жараён босқичма-босқич ислоҳ қилинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ўта оғир 33 жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, бу моддалар йил сайин қисқариб, 2003 йилда фақат иккита модда қолди. Вояга етмаганларга, аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан бундай жазони қўллаш тақиқланди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил амалда ўз ифодасини топди. Ижтимоий ҳаётимизда давлатимиз ва жамиятимиз эътиборини муайян масалага кучайтириш мақсадида ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъанага айланди. Юртбошимиз ташаббуси билан дастлаб 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниши Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни, шулар билан биргаликда миллий қадриятларимиз ва ғурурimизни қайта тиклаш имконини берди. Бир-бири билан мантиқан боғланган Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват, Сиҳат-саломатлик йиллари замирида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат эътиборидан четда қолмаслигига эришиш, баркамол авлодни вояга етказиш ва юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни улуғлаш, юрт фарзандлари ва миллат оналарини соғ-саломат кўришдек хайрли мақсадлар мужассамдир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам кишилар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш, саховатли бўлиш, жамиятимизда ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги билан боғлиқ халқимизнинг азалий фазилат ва қадриятларини ривож топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳаётимиз посбонлари — шифокорлар фаолиятига эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил амалий ишлар бажарилмоқда...

**2006 ЙИЛ, 31 АВГУСТ.** Ватанимиз пойтахти Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Соат 19.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Юртбошимизни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.



Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси бевосита томоша қилади. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи — Интернет орқали у дунёнинг барча ҳудудларигача кириб боради.

Майдон узра таралаётган қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда ўтган ўн беш йил гавдаланади. Бинобарин, бундан ўн беш йил муқаддам республикамиз бир томонлама иқтисодиётга — хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Халқ истеъмоли молларининг олтмиш фоиздан ортиғи ва саноат ишлаб чиқариш товарларининг кўп қисми ташқаридан олиб келинар эди. Пахта етиштириладиган юртда уни тайёр маҳсулотга айлантириш ҳажми 7-10 фоиздан ошмасди...

1992 йилда Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизнинг беш тамойилга асосланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Мураккаб ўтиш даври ва молиявий ресурслар чекланган бир шароитда иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган соҳалари — энергетика сектори, олтин қазиш, рангли металлургия, автомобилсозлик, енгил саноат, газ-кимё саноатини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди. Юртимизда автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, электроника каби мутлақо янги тармоқлар йўлга қўйилди, мингга яқин янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва минглаб янги ишчи ўринлари яратиш имконини берди. Қизилқум фосфорит, Бухоро нефтни қайта ишлаш, Асака автомобиль, Қўнғирот сода, Самарқанд автобуслар ва кам сиғимли юк машиналари ишлаб чиқарувчи заводлари, Шўртан газ-кимё мажмуаси бунёд этилди.

Истиқлол йилларида икки юзга яқин тўқимачилик корхонаси модернизация қилинди ва янгидан бунёд этилди. Натижада мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг қарийб 25 фоизига ўзимизда ишлов берилмоқда. Бу кўрсаткични яқин йилларда 55 фоизга етказиш мўлжалланган.

**«ЎЗБЕК ЭЛИМ».** Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи дилтортар мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Республикамизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги ҳаво дарвозалари — аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган Қамчиқ довонидаги еrosти йўлаги қурилди. «Навоий — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайстоғ — Нукус» йўналишидаги темир йўл ҳамда Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун улкан қулайлик яратибгина қолмай, йўловчи ва юк ташиш муддати, харажатини қисқартирди. Қурилиши ниҳоясига етаётган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» йўналишидаги темир йўл эса нафақат жанубий вилоятларимизнинг иқтисодини юксалтиришга, балки транспорт йўлагининг Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқишига ҳам хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда таъминланган макроиқтисодий барқарорликни истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлардан бири сифатида қайд этсак, тўғри бўлади. Ўтган йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти сифат жиҳатдан ўзгарди, йилдан-йилга янги босқичларга кўтарилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги туфайли ялпи ички маҳсулот 2005 йилда 7 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари ортмоқда. Сўнгги беш йил давомида аҳоли жон бошига тушаётган даромад тўрт баравар ошгани ҳам иқтисодиётимиздаги барқарор ўсиш ҳамда эл-юртимиз фаровонлиги йилдан-йилга юксалаётганидан далолатдир.

Бугун ўз донимизга, нонимизга эгамиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг ҳаётбахш самараларини бермоқда. Ер ўзининг ҳақиқий эгаси — деҳқонга топширилди. Ҳозир юртимизда 181,7 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили пахта хомашёсининг 70, дон маҳсулотларининг 80 фоизини фермерлар етиштирди. Дон экинлари ҳосилдорлиги мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан 4,5 баравар, ялпи ҳосил эса 6,5 баравар ортди. Жорий йилда 6 миллион 100 минг тонна ғалла етиштирилди...

**«СЕН ЎЗБЕК БОЛАСИСАН».** Майдон узра таралаётган қўшиқнинг маъно-мазмуни қалб орқали шуурга сингади. Иқтидорли ёшлар — олимпиада ва халқаро мусобақалар ғолиблари майдонга кириб келади. Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида эришаётган ғалабаларимизда ҳам намоён бўлмоқда. Бугун ўзбекнинг болалари дунё ареналарида юрт байроғини баланд кўтармоқда. Ўзининг билим ва иқтидори билан башар аҳлини лол қолдирган — 24 ёшда шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийган Рустам Қосимжонов улуғларнинг авлоди эканимизни, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар юксаклигини дунёга яна бир бор намойиш этди. Неча минг йиллик тарихга эга ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида тан олиниб, жаҳонаро шарафланмоқда.

Миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг кашф қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан, эртанги кунимиз эгаларининг илиги тўқ, суяги бақувватлигидан шаҳодатдир. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари», касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача ўзига қамраб олди...

Истиқлол туфайли аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Умуминсоний қадриятларга эш бўлган миллий ва диний қадриятларимиз бойиб, ривож топиб бораётир. Аждодларимизнинг шону шавкати қайта тикланиб, уларнинг руҳлари шод, сўнгги манзиллари обод этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди сингари Ватанимизнинг мард ва жасур ўғлонлари, Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Мотуридий, Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий сингари улуғ боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланди. Юртимиздаги муқаддас қадамжолар қайта тикланди, янгидан бунёд этилди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган Ватанимизнинг турли шаҳарлари юбилейини халқаро миқёсда нишонлаш анъана тусини олди. Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Хива, Бухоро, Шаҳрисабз сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асносида тарихимизни янада теран ўргандик, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизларини чуқур тадқиқ этдик, шундай улуғ юрт фарзанди, шавкатли аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйдик. Халқимиз даҳосининг бой маданий-маънавий қадриятларидан саналган суюкли достон — «Алпомиш»нинг 1000 йиллик тўйи ҳам миллий қадриятларимизга яна бир бор юксак эҳтиром кўрсатиш имконини берди. Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.



Президентимизнинг яқинда имзолаган қарорига мувофиқ 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланади. Ноёб тарихий-меъморий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунёга донг таратган бу азим шаҳарда катта тўйга тайёргарлик бошлаб юборилди. Зеро, ер юзининг сайқали бўлган бундай азим кентларимизни янада обод этиш, у ерда яшаган аждодларимиз меросини қайта жонлантириш ва ривожлантириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир...

Даврага болалар чиқиб келадилар. «Булбулча», «Севинч», «Ором» болалар ансамбллари «Бахтли болалик» вокал-хореографик композициясини ижро этадилар. Болаларнинг шўх-шан куйлашлари, қўшиққа монанд рақсга тушишлари томошабинларни тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз.

**«ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ».** Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Зеро, оиладаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида юртимиз хотин-қизларининг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Икки йил муқаддам йўлга қўйилган республика хотин-қизлар спартакиадаси йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Синхрон сузиш бўйича «Сув париси», бадиий гимнастикачиларнинг «Шарқ гўзали» халқаро турнирлари хотин-қизларимизнинг спорт оламида нималарга қодирлигини дунёга кенг намойиш этмоқда.

Аҳоли саломатлиги ҳақида гап кетганда 1998 йилда қабул қилинган мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими миллий моделини шакллантиришни кўзда тутувчи давлат дастурини эсламасликнинг иложи йўқ. Мазкур дастурга мувофиқ, мутлақо янги ва яхлит шошилинч тиббий ёрдам тизими ташкил этилди. Аҳолига дастлабки тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи ташкил этилди. Эндиликда жойларда илгариги фельдшерлар ўрнига умумий амалиёт врачлари хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди.

— Ўтган ўн беш йилда халқимиз мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди, мамлакатимиз ҳар томонлама ривож топди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда Республика патологик анатомия маркази директори, академик, Ўзбекистон Қаҳрамони Малика Абдуллахўжаева. — Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан яна бир далолат. Тизим моддий-техника базасининг мунтазам яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қўлга киритаётган ютуқларимиз БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир...

**«МУБОРАК».** Ёш хонандалар эл-юртимизни улуғ байрами билан жўшиб-тошиб муборакбод этади. Бу юрт наволарининг оҳанграбоси бор. Қалбдан чиққан сўз, наво қалбга етиб боради. Истиқлол йилларида мамлакатимизда санъатнинг барча турларига, жумладан, мусиқа ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда бетакрор санъат кошоналари, муҳташам таълим даргоҳлари қад ростлаши ҳам соҳага кўрсатилаётган ана шундай эътибор натижасидир. Ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти, пойтахтимизда бунёд этилган консерватория янги биносининг очилиши ва унга Ўзбекистон давлат консерваторияси мақоми берилиши ҳаётини санъатга бағишлашни дилига туккан ёшларимизнинг истеъдодини кашф этишдек улуғ мақсадга хизмат қилмоқда.

Майдон узра қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, рус, белорус, украин, немис халқ қўшиқлари бирма-бир жаранглайди. Ўзбекистон – дунёга бағрини очган диёр. Зеро, шу азиз Ватан — барчамизники. Республикамизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек бағрикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад — юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда...

**«ВАТАННИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ».** Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага саф-саф бўлиб шаҳдам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Бугун юртимиз сарҳадлари ҳар қандай хавфу хатардан холи. Зеро, эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон — ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлашга қодир, ўз-ўзини мудофаа қилиш қудратига эга давлат. Истиқлол йилларида мутлақо янги асосда ва стратегик мақсадлар кўзланган ҳолда сон жиҳатдан ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгишга қодир миллий Қуролли Кучларни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Армияда хизмат қилиш мустақил ҳаётга катта умидлар билан қадам қўяётган йигитлар учун ҳаёт йўлини танлашда, олий маълумотли, жумладан, ҳарбий маълумотга эга бўлишда катта имкониятлар очмоқда...

Файзли оқшомнинг фараҳбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган ҳаяжон ва шодлик шодалари мисоли ранг-баранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади. Шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтамиз. Қувонч тўла кўзлар қорачиғида аксланаётган умид ва ишонч, ғурур ва ифтихор, меҳру муҳаббатга боқиб, юрак қаъридан шундай тилак қалқийди: истиқлол байраминг муборак бўлсин, она халқим! Озодлигинг абадий бўлсин, жонажон Ватан!

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ,**
**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

# МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА



(Давоми. Боши 1-бетда)

... 31 август. Тонг.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Зеро, улуғ байрамимиз нишонланаётган шукуҳли кунларда шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизни қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди. Бу ерда эл-юрт эъзозидаги кекса авлод вакиллари, илм-маърифат аҳли — зиёлилар, ҳукумат аъзолари ҳозир бўлишди.

Атрофга миллий мумтоз мусиқа садолари таралади. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги саккиз устунли улкан айвоннинг мовий гумбазида қуёш нурлари жилваланади. Ложувард гумбаз остидаги зарҳал ҳарфлар билан битилган **«Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир!»** сўзлари мунаввар тонг шуъласидан янада нурафшон тортади. Мустабид тузум йилларидаги машъум қатлларга гувоҳ бўлган Бўзсув эзгулик ва адолатнинг боқийлигидан сўзлаётгандек...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

— Бундай ёдгорликни барпо этиб, аввало, бугунги ёруғ кунларга етиш учун курашларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этдик, — деди Юртбошимиз. — Мустабид тузум қурбонларига кўрсатилган бундай эҳтиром кишилардаги «дунёда адолат бор, у эртамикеч, албатта, юзага чиқади» деган юксак ишончни мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу дунёнинг ўткинчилиги, аммо эзгулик, инсон хотираси абадий эканини ҳар бир кишига, айниқса, ёшларимизга доимо англатиб туради.

Ҳар қандай обида унга ташриф буюрган, шу асnода ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топган кишилар билан серфайз. Кишилар қадам босмайдиган ёхуд зарурат юзасидангина бирров йўқлаб қўйиладиган манзилларни том маънода обод гўша дейиш қийин. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳам шунчаки зиёратгоҳ бўлиб қолмасдан, кишиларни, айниқса, ёшларимизни тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи севимли масканлардан бирига айланмоғи лозим, деди Юртбошимиз. Бунинг учун, аввало, музейдаги экспонатларни доимий равишда янгилаб туриш, унинг хазинасини ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб бориш даркор. Бу ерда мустабид даврнинг шоҳиди бўлган табаррук кексаларимиз билан тез-тез мулоқотлар уюштириш, улар берган қимматли маълумотларни ёзиб олиб, келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш яхши натижа беради. Бир сўз билан айтганда, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини тўлақонли маънавий-маърифий масканга айлантириш учун уни кўпроқ тарғиб ва ташвиқ этиш зарур. Токи, унинг довруғи бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилсин, бу табаррук мажмуага қалб амри билан ташриф буюрадиган кишилар янада кўпайсин.

Инсондан нима қолади? Албатта, унинг қилган эзгу амаллари, ишлари, бунёдкорликлари қолади. Бунга XX аср бошида халқимиз орасидан етишиб чиққан Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Боту, Элбек сингари кўплаб маърифатпарвар боболаримизнинг курашчан ҳаёти ва фаолияти ёрқин мисол. Уларнинг Ватанни озод кўриш орзуси, шу йўлда амалга оширган эзгу ишлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Бугун озод ва обод юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда.

Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, эл-юрт ва халқига садоқат сингари муқаддас тушунчаларни бугунги ёш авлод онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Негаки, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунёқараши кенг, ҳар жиҳатдан билимдон, зукко ва ҳамиша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз замирида эл-юрт манфаати, Ватан тараққиёти мужассам. Муҳими, юртимизнинг ҳар бир фуқароси йилдан-йилга мустақилликни мустаҳкамлашдек масъулиятли жараённинг онгли ва фаол иштирокчисига айланмоқда. Аждодларимиз хотирасини шод этиб, юрт тинчлиги ва эл фаровонлигини таъминлашда ўзини бурчли деб билган, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётган халқимиз кўзлаган манзиллар, шак-шубҳасиз, нурлидир. Демак, мустақиллигимиз абадийдир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА**

***Суратда:*** *«Қатоғон қурбонлари хотираси» музейида.*

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

# ЗУЛМАТДАН ЗИЁГА

Мустақиллик шундай бебаҳо, беқиёс неъматки, уни ҳеч нарсага қиёслаб ёки алмашиб бўлмайди. Ғурурли, ориятли одам ўз миллати, она-Ватани озодлигини ўз жонидан устун қўяди, юрт тараққиёти, ободлиги учун умрини бағишлайди.

Ўтган 15 йил давомида биз Мустақиллик халқимизга, юртимизга нима берганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Биргина пойтахтимиз Тошкентни олайлик, бири-биридан гўзал кошоналар, бундай бунёдкорлик, ободончилик ишлари илгариги тузумда юз йилда ҳам бажарилмасди. Фарзандларимиз ўқиётган лицей, коллежлар биноларига қаранг. Бундай шароит қачон бўлган? Ёки бугун ривожланган хорижий мамлакатларда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намойиш этиб ўқиётган ёшларимиз-чи? Маҳалларимизнинг тобора обод бўлиб бораётгани-чи?

Бир сўз билан айтганда, биз ярим қуллик шароитида, зулматда яшар эдик. Сўзимиз ҳеч қаерга ўтмасди, овозимиз етмасди. Бугун ёруғликка чиқдик, зиёга юз тутдик. Бунга ҳар биримиз шукрона айтиб, озодлигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизни янада гуллаб-яшнаши учун фидойи бўлмоғимиз зарур.

Азиз байрамимиз арафасидаги тилагим шуки, юртимизда ҳамиша тинчлик бўлсин, барча юртдошларимиз доимо бахт-саодатли бўлишсин.

**Эгамназар ҚОДИРОВ,**
**«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби,**
**ЎзХДП фаоли**

# АСОСИЙ МЕЗОН — СИЁСИЙ ТАШАББУС, ФАОЛЛИК ВА МУСТАҲКАМ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф ҒУЛОМОВнинг «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири саволларига жавоблари

**— Латиф Ёқубович, бугун, ушбу қутлуғ кунларда Истиқлолимизнинг мамлакат, жамият, ҳар бир киши ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида нима дейишингиз мумкин? Партиямиз Мустақиллигимизнинг энг муҳим ютуғи сифатида қайси ишларни алоҳида таъкидлаши мумкин?**

— Мамлакатимизнинг 15 йиллик мустақил ривожланиши мобайнида амалга оширилган ишларни «энг муҳим» ёки «унча муҳим эмас» деган сифатлар билан таърифлаб бўлмайди. Ўн беш йил давомида эришилган натижаларнинг бутун мамлакат ва жамият ҳамда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистон миллий давлатчилиги, ўз ривожланиш масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлди, халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли аъзо сифатида эътироф этилди. Иқтисодий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда янги иқтисодий ва мулкий муносабатлар шаклланиши ҳамда жадал ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан ҳозирги замон сайлов тизими ва ҳақиқий кўппартиявийликка асосланган вакиллик парламент демократияси ривожланмоқда, мамлакатни демократик модернизациялаш изчил амалга оширилмоқда. Шуниси эътиборга моликки, жаҳонда умумэътироф этилган андозаларга таянадиган демократиянинг миллий моделини шакллантириш асосий мақсад қилиб олинган. Бунда тарихий анъаналар ва халқимиз менталитети ҳамда ривожланган мамлакатларнинг демократик тажрибаси ҳисобга олинмоқда.

Яна бир ютуқ борки, бу, 15 йил мобайнида мамлакат ёш фуқароларининг янги авлоди вояга етиб, ўз мустақил ҳаётини бошлаганидир. Улар 1991 йил сентябрь ойида илк бора мактаб партасига ўтирган ёшлардир. Бу авлод вакиллари ўзларини фақат Мустақиллик неъматларининг «истеъмолчилари» деб ҳисобламайдилар. Улар бевосита бунёдкорликда иштирок этишга интиладилар.

**— Мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилишнинг қайси устуворликларини партиямиз учун энг муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

— Бизнинг партия учун **ижтимоий** соҳадаги ислоҳотларни **амалга оширишни кучайтириш,** уларнинг **ижтимоий самарадорлигини** ошириш энг долзарб вазифалардандир.

Бу бевосита, партиямиз ўзини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, деб эълон қилиб, зиммасига шунга монанд сиёсий мафкура позицияси — **ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия** мафкурасини қабул қилишидан келиб чиқади. Бу йўналишнинг устуворлиги аҳолининг жамият ижтимоий қўллаб-қувватлашига ва мақсадли ижтимоий ҳимоясига муҳтож қатламлари ва гуруҳлари — Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатлари билан белгиланади.

Албатта, партиямиз ночор кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тарафдори экан, шу билан бирга, у жамиятда ижтимоий боқимандалик кайфиятининг ривожланишига ҳам қаршидир. Аксинча, йил сайин мустақил Ватанимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш билан бирга, ҳар бир фуқаро ва умуман бутун жамиятдан мамлакатда амалга оширилаётган ўзгартишларга дахлдорлик кўпроқ талаб этилади.

Шунинг учун Ўзбекистон ХДП электоратимиз ижтимоий манфаатларини амалга оширилиши ва ишончли ҳимояланиши учун курашиб, ўз сафларида ҳамда ўз тарафдорлари орасида фаол ҳаётий, фуқаролик, сиёсий позицияни шакллантиришга интилади.

Бу борада биз электоратнинг ёшлар қисми билан мақсадли иш олиб боришга алоҳида эътибор берамиз. Шуни назарда тутиб 2006 йилнинг январь ойида ташкилий жиҳатдан ўзида 30 ёшгача бўлган ёш партия аъзоларини бирлаштирган Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти тузилди.

2006 йил июль-август ойларида ўтказилган минтақавий ёшлар анжуманлари ёш партия аъзолари (бу Ўзбекистон ХДПнинг ҳар тўртинчи аъзоси демакдир) ХДПга жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш учун кирганликларини ишончли намоён этди. Ўзбекистон ХДПда ёш фаоллар пайдо бўлди. Бу фаоллар бир йилдан камроқ вақт ичида партиянинг ёшлар қанотини шакллантириш масалаларини муҳокама қилишдан партия тасаррўфига берилган сиёсий воситалар ёрдамида ёшлар муаммоларини ҳал этишнинг амалий йўлларини белгилаб олишга ўтдилар.

**— Ўтган йил V қурултойда қабул қилинган партия янги Дастури туфайли Ўзбекистон халқ демократларининг сиёсий устуворлари ҳаммага яхши маълум. Хўш, партия ўз электорати манфаатлари йўлида амалда нималар қилмоқда?**

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олган экан, бу масалаларга нисбатан четдан томошабин бўлиб тургани йўқ. Ўтган йил август ойидан буён Ўзбекистон ХДП кенгашлари ва депутат тузилмалари жойларда ижтимоий устуворликлар бажарилиши ҳамда мамлакатимиз Президентининг уларга доир Фармон ва қарорлари ижросини мунтазам мониторинг қилмоқдалар. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлар гуруҳларининг ташаббускорлиги ва прицыпиал позициялари туфайли ижтимоий муаммоларни партия электорати манфаати йўлида амалда тезроқ ҳал этилишининг бир қанча мисоллари бор.

Масалан, кўплаб ХДП депутатлар гуруҳлари меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш билан шуғулланмоқдалар, халқ депутатлари тегишли Кенгашларида кўриб чиқиш учун ҳудудий бандлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритмоқдалар. Кўпчилик минтақаларда туман ва шаҳар партия кенгашлари томонидан меҳнат органлари ва партия ижтимоий шериклари билан биргаликда иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш амалиёти қўлланилмоқда.

Партия электорати манфаатларини амалга оширишда кўмаклашишнинг бошқа шакллари ҳам қўлланилмоқда. Маълумки, қатор сабаблар боис электоратимизнинг бир қисми бозор иқтисодиётига, унинг шароитларига мослаша олмадилар. Улар аниқ ҳаётий муаммоларга дуч келиб, баъзида уларни амалда ҳал этишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Аҳолининг бу қисмига ёрдам бериш мақсадида шу йилнинг январь ойидан бошлаб барча партия кенгашлари қошида Ўзбекистон ХДП жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди. Уларга мурожаат этаётган кишилар ўз муаммоларини ҳал этишда, масалан ишга жойлашиш, мақсадли ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш юзасидан имконият даражасида тегишли кўмак олмоқдалар.

**— Сизнинг назарингизда, партия янги Дастурида белгиланган устувор вазифалар самарали ва изчил бажарилиши учун ташкилий жиҳатдан энг муҳим вазифа нималардан иборат деб ўйлайсиз?**

— Биз энг аввало, ташкилотларимизнинг сиёсий ташаббуси ва фаоллигини ривожлантириш, ҳар бир партия аъзосида мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантиришни бош вазифа, деб ҳисоблаймиз. Бу вазифани ҳал этишда жорий йилда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказганимиз яхши пойдевор бўлди.

Бу ички партиявий кампания натижасида Ўзбекистон ХДП ортиқча юклардан — ўз ташкилотлари фаолиятидан четга чиқиб қолган, дастурий мақсадларимизни амалга оширишда иштирок этишга интилмаган собиқ партия аъзоларидан халос бўлди.

Ўзбекистон ХДП бунда сон жиҳатидан деярли ярмига қисқарди. Лекин партия бу билан заифлашиб қолгани йўқ, аксинча, ўз ташкилий салоҳиятини мустаҳкамлаб олди. Партия янги таркибининг 85 фоизини илгари бирорта сиёсий партия сафида бўлмаган, 1992-2006 йилларда ХДП сафларига кирганлар ташкил этади. Бу одамларни партиямизга мамлакатда ҳаракат қилаётган сиёсий кучлардан бирида шахсан иштирок этиш орқали ўз ҳаётий позициясини амалга оширишга бўлган интилиш етаклаб келган, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида бундай кишиларнинг пайдо бўлишини биз, мамлакатимизнинг ривожланиш йўлига асос қилиб олинган ғоялар ҳаётийлигининг ёрқин намойиши, деб ҳисоблаймиз.

---

• Сўз — мукофотланганларга

# «ВАТАНИМДАН ҚАРЗДОРЛИГИМНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТАЯПМАН»

**Истиқлолимизнинг ўн беш йиллиги муносабати билан Юртбошимиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маърифатини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Улар орасида фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган турли касб фидойилари бор. Биз қуйида ана шундай инсонлардан айримларининг байрам арафасидаги дил изҳорларини эълон қилмоқдамиз.**

**Саме САМАТОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори:**



Мана 15 йилдирки, озод ва ҳур Ватанда яшаб, унинг буюк келажак сари ташлаётган ҳар бир қадамига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мана шу даврда Мустақиллик энг олий бахт эканлигини дилдан ҳис этдик. Бундай саодатли кунларга шукрона айтсак арзийди.

Мендай бир оддий муаллимни шундай юксак мукофотга муносиб кўрилиши юртимизда таълим тизимига алоҳида аҳамият кўрсатилаётганидан далолат беради.

Мамлакатимиз мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди. Биргина таълим тизимининг ўзида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ёшларимизнинг билим салоҳияти юксалди, уларда юртимиз тақдирига, эртанги кунга дахлдорлик ҳисси уйғонди. Буни бугун фақатгина мен эмас, балки бутун Ўзбекистон халқи эътироф этмоқда.

**Охунжон ҲАКИМ, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими маслаҳатчиси:**

— Баъзан ўйлаб туриб, Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг кўрки ва тароватини, танти одамларининг беҳад очиқ кўнгиллилигига тан бераман. Мардлик, фидойилик, самимийлик ва саховатда бизнинг халқимизга тенг келадигани йўқ, деб ўйлайман.



Мен салкам ярим асрдан бери журналист сифатида, ана шу инсонлар орасида, уларнинг орзу-умидлари, ўй-хаёллари билан таниш юрдим. Олимдан тортиб оддий механизаторгача, чилангардан тортиб муаллимларгача суҳбатдошим бўлди. Бу учрашувларда туғилган кечинмалар мақола, очерк, суҳбат бўлиб газетхонлар қалбига кириб борди. Китобларим дунё юзини кўрди.

Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллик тантаналари бошланиб кетган дамларда Президентимиз Фармони билан менга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилиши кўксимни фахр ва ҳаяжонга тўлдириб юборди. Бу мамлакатнинг олис бир ҳудудида қалам тебратаётган ижодкор меҳнатига берилган юксак баҳо, деб биламан. Бу юксак мукофот Ватан йўлида янада фидокорона меҳнат қилишга, халқимизнинг қувонч ва шодликларига камарбаста бўлишга даъват этади.

**Гулмира МУСАЖОНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон» телеканалининг «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси:**

— Мустақиллик менга нима берди эмас, Ватаним, халқим, ёнимдаги оддий одамлар учун нима қилдим, деган савол бугун кўпчиликни ўйлантиради. Чунки фақат талаб қилишни, олишни билган одамнинг ўзи кимгадир, нимадир бера олармикан, кимгадир меҳр кўрсата оладими, ёрдамга муҳтож инсоннинг оғирини енгил қила олармикан, деган саволларга жавоб берадиган бўлсам, тўғрисини айтиш керак, ҳали ўзим кўп ишларни қилганим йўқ.



Ушбу унвон мен учун кутилмаган мукофот бўлди. Қилаётган меҳнатим эътиборга олингани ва шу даражада тақдирланганидан бошим кўкка етди. Одам, унинг меҳнати, ижоди қадрланадиган жойда, сўзсиз, ривожланиш бўлади. Очиғи, бизнинг тайёрлаётган кўрсатувимиз одамлар орасида эътироф этилишида кўпчиликнинг ҳиссаси бор. Ҳамкасбларимнинг машаққатли меҳнатларисиз мен бир ўзим ҳеч нарса қила олмасдим. Бу асло камтарлик эмас! Бу — ҳақиқат. Менга берилган бу мукофот ижодий гуруҳимизнинг ютуғи, шу билан бирга бутун таҳририятимизнинг муваффақиятидир, дея оламан.

**Тамара ФАЙЗУЛЛАЕВА, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси бўлими мудири:**

— Мустақиллик тиббиётимизга ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришларни олиб кирди. Аҳоли соғлиғини сақлаш биринчи галдаги вазифа бўлганлиги учун бу соҳага бўлган эътибор бир неча баробар ортди. Бугун биз дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан алоқалар ўрнатдик. Улардаги муваффақиятларни ўзимизда жорий қилаяпмиз. Муҳими, ишлаган одамнинг меҳнати эътироф этилмоқда, қадрланмоқда.



Мен шу фурсатларда ўзимга берилган бу бахтни ҳеч қандай ўлчов билан тенглай олмайман. Шахсан менга билдирилган бу ишончни эндиликда тинимсиз меҳнат ва келгуси ютуқларим билан оқлашим керак, деб ўйлайман.

**Мақсадхон ЮНУСОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси:**

— 22 йилдан бери шу муқаддас даргоҳда меҳнат қилиб, бугунгидек қувончли лаҳзаларни кам ҳис қилган эдим. Санъат менинг орзуим, театр эса энг муқаддас даргоҳ. Бу ерда устозим — Ўзбекистон халқ артисти Ҳалимахоним Носировадан қанча нарсаларни ўрганган бўлсам, шундай элимизнинг берган эътибори туфайли санъатда ҳақиқий ўрнимни топдим.



Биласизми, санъаткорга озгина ғамхўрлик, рағбат бўлса, шунда у олға интилади. Камтарона меҳнатим Юртбошимиз томонидан эътироф этилганидан жуда-жуда бахтиёрман. Бу эътибордан бошим кўкка етди. Тўғрисини айтай, бу мукофотдан қанчалик хурсанд бўлсам, Ватанимдан, халқимдан қарздорлигимни шунчалик чуқур ҳис этаяпман. Давлатимизнинг эл-улус равнақи йўлидаги улуғ ишларига Яратганнинг ўзи ривож берсин.

**Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олди.**

---

# МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРА

***Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас.***

**Ислом КАРИМОВ**

Ҳар гал Ватан тарихини ўрганиш ҳақида гап кетганда бир воқеа бот-бот ёдимга тушаверади. 1989 йили Қашқадарё вилоятининг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Ислом Каримов бир гуруҳ тарихчи олимларни ҳузурига таклиф этди. Тўғриси, ўшанда учрашувга бораётиб, хаёлимдан кўп нарсалар ўтди. Вилоятнинг аввалги раҳбарлари олимлар билан учрашганини ҳеч эшитмагандим. Нега чақирдийкин?..

Учрашувда Ислом Каримов, кутилмаганда ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга келмаган таклифни ўртага ташлади: «Сизлардан бир илтимосим бор, Қашқадарё — қадимий замин, унинг ҳақиқий тарихини ўрганиб алоҳида китоб қилиб ёзиб берсаларингиз...». Кейин хона деворларидаги плакатларга қаради-да, хотиржамгина шундай дедилар: «Бу шиорларга парво қилманглар ...Гап шу!»

Девордаги рангли суратларга разм солсам уларда Қашқадарё вилоятининг шўро даврида «социализм шарофати» туфайли гуллаб-яшнаган «тараққиёт» йўли акс этган экан. Тўпланган етти олимнинг учтаси тарихчи бўлиб, улар орасида энг ёши мен эдим.

Бу қатъий даъватдан биз руҳий қувват олдик. Ўша кезлари мен ҳазрати Башир номи билан машҳур бўлган авлиёнинг тарихини ўрганиш билан қизиқиб юргандим. Ушбу суҳбатдан сўнг бу мавзудаги изланишларим янада кучайди.

Орадан 16 йилдан зиёд вақт ўтиб, ўша воқеани яна эслаяпман. Ҳар эслаганимда бир савол хаёлимда чарх уради: ўша замонларда вилоят раҳбари «Қашқадарёнинг ҳақиқий тарихини ёзиб беришингизни илтимос қиламан», деб айтиши осонмиди? Бунинг учун қанчалик журъат, ватанпарварлик керак эди.

Ўтган йилларда асрларга татигулик туб ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй берди. Тарихни ўрганиш зарурлиги, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биз истиқлолга эришиб, истиқболга қадам қўйганимизда куч-қудрат, сабот, ирода, курашчанлик, қатъият, ақл-заковат керак эди. Буларни ўзимизда мужассам этмоқ учун ўтмишимизни, мард ва танти, одил ва имон-эътиқодли аждодларимизни ёд этишимиз, уларнинг жасорати, матонати, меҳнати, адолат, ҳақиқат учун кураши бизга сабоқ бўлиши, тарихимиздан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини туйишимиз шарт эди. Шу боис, Президентимиз «Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир!» деб қатъий таъкидлади. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди, деган ғоядан келиб чиқиб, биз ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз, миллатимизни шу тарихимиз билан қуроллантириш заруриятти кун тартибига қўйилди. Бу вазифани бажариш миллий мафкурани, мустақиллик мафкурасини шакллантиришнинг асосий шартларидан эди. Ўзбекистоннинг янги, ҳақиқий тарихи тарихи ёзила бошланди. Бу улуғвор ишларга Ислом Каримов қашқадарёлик олимларни мустақилликдан аввал ундаган эди.

Ўша 1989 йилги учрашувдан сўнг биз тарихчи олимлар ҳаракатга тушдик. Талабалар билан ҳозирги Косон туманига қарашли Еркўрғонда археологик қазув ишлари олиб бориб, қадимги Нахшаб-Қарши шаҳри тарихини ўргандик. Мустақилликнинг дастлабки вақтларидаёқ Еркўрғон харобаларида республикамизнинг етакчи археолог олимлари томонидан қазиш, тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Еркўрғонда милоддан аввалги IV-III асрларда шаҳар бўлгани исботланди. Бу ҳақда Р.Сулаймоновнинг «Қадимги Нахшаб», П.Равшановнинг «Қашқадарё тарихи» номли йирик монографиялари ва қатор илмий мақолалар ёзилди.

Еркўрғонда жуда қадимий тарихий маданий ёдгорликлар борлиги исботланди. Буни ЮНЕСКО ташкилоти бош конференцияси 32-сессияси ҳам эътироф этиб, Қарши шаҳарсозлик маданиятининг 2700 йиллигини улкан байрам сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Биз ўшанда фақат тарихни ўрганиш билан кифояланмай вилоятдаги қадимий ёдгорликларни топиб, уларни асраш ҳақида ҳам ўйлай бошладик. Бу ҳам Юртбошимизнинг ўша пайтдаги ташаббуси эди. Шу тариқа Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус-Саодат, Дорут-тиловат, Гумбази Сайидон каби машҳур обидалар билан бир қаторда олис тумanlардаги ёдгорликлар ва зиёратгоҳларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, Касбидаги Султон Мирҳайдар мажмуаси (XII аср), Имом Муҳаммад Садрий, Ислом қабристони, Китобдаги Ҳазрати Баширота мақбара (XVI аср), Муборакдаги Занжир Сарой ёдгорликлари (XIII-XIV асрлар) Боғи Эшон шаҳристони, Декча сардобаси (XVI аср), Миришкор туманидаги Чор Гумбаз масжиди, Яккабоғдаги Қаландар тепа (II-IV асрлар), Амир Темур таваллуд топган қишлоқдаги Хожа Илғор ота зиёратгоҳи, Қамашидаги Лангар ота мақбараси (XI-XII аср), Қўрғонтепа (III аср), Мусофир ота зиёратгоҳи каби осори атиқалар шулар жумласидандир.

Вилоят бўйича шундай обида ва зиёратгоҳларнинг етмиш саккизтаси рўйхатга олинган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти қаровсиз, вайрон бўлиб ётар эди. Чунки шўро даврида бундай обидалар иложи борича яксон этилган, сақланиб қолганлари ҳам турли йўллар билан оёқости қилинар эди. Уларнинг бир қанчаси текисланиб, ўрнига экин экиб юборилганлигини қариялар ҳанузгача алам билан эслаб юришади. Одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади... Ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда қарши чиққанлар тазйиққа олинди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳақиқий тарихимиз ва ижтимоий адолатни тиклаш бўйича дастлаб Қашқадарё вилоятида бошланган ишлар кейинчалик бутун мамлакат миқёсида кенг кўламда қанот ёзди. Чунки Президентимиз айтганидек: «Ким бўлишидан қатъи назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Афсуски, бизда Ватанимизнинг ҳаққоний тарихи бир четда қолиб, сохта тарих, ўзгалар ўтмиши ўргатиб келинди. Мустамлакачилар зулми остида тинкаси қуриган халқ ҳам, унинг олимлари ҳам холисона мулоҳазалар билдириш, ҳақиқатни айтиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганди. Шу катта хатони бартараф этиш учун Ўзбекистон тарихини яратиш ҳайъати тузилди, муаллифлар белгиланди. Юртбошимизнинг раҳномалиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи» яратилди. Мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар тизими ва олий таълимда янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўнлаб илмий тадқиқотлар юзага келди, кўплаб рисолалар ёзилди. Ўз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳоламайдиган бўлдик.

Тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, холисона ёритиш, катта тарихга, кечмишга эга Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг улуғ ёшлари тантанали равишда нишонланди. Жаҳон маданияти, маънавияти, давлатчилигига улкан ҳисса қўшган алломалар, саркардалар, давлат арбоблари хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилди. Тарихни ўрганиш борасидаги ҳар бир тадбир миллий ғуруримизни ошириб, ўзлигимизни англашга хизмат қилмоқда.

Истиқлол шарофати билан Хўжа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Абдухолиқ Ғуждувоний, Шайх Сайфиддин Бухорий-Бухорзий, Сайид Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Имом ал-Мотуридий, Марғиноний, Ат-Термизий, Ал-Бухорий каби дини исломнинг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотларнинг номлари ҳурмат ва эҳтиром ила тикланиб, мерослари теран ўрганилмоқда, уларнинг мақбаралари қайта тикланмоқда. Энг муҳими истиқлол кошонасини бунёд этишда улуғ аждодларимиз меросидан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳазрати Башир ҳам ана шундай улуғ зотлар сирасига киради. Президентимиз даъватлари билан Ҳазрати Башир ҳақидаги ривоятлар, маълумотларни тўплашга киришдик. Ул зотнинг номи билан боғлиқ бўлган жойнинг тарихи ҳақида материаллар йиғдик. Ҳазрати Башир қадамлари етган жойларнинг харитасини чиздик. Хулосалар асосида ҳазрати Башир маноқибини нашр эттирдик.

Башир қишлоғи ва у ерлик аллома Ҳазрати Султон Сайййд Аҳмадали тўғрисида ҳикоя қилувчи ноёб манбалар — «Ҳазрати Башир тарихи», («Мирҳақиқат») ҳамда «Ҳазрати Султон тарихи» қўлёзмалари топилди ва улар 1996 йил Амир Темур таваллуд тўйи арафасида 15 минг нусхада китоб ҳолида чоп этилди. Бу китобни кўриб, бир ўқимишли қариянинг кўзига ёш олиб; «Қишлоғимизни диний зулмат макони, Ҳазрати Баширни эса одамларни йўлдан оздирувчи риёкор, деб қанча туҳмати-маломатлар қилишган эди. Оллоҳга шукурки, авлиёларимизнинг юзини ёруғ қилган кунларга етиб келдик. Адолат йўлини очган Юртбошимиз дунё тургунча турсин!» — деганлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

Президентимиз Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Бизнинг истиқлол йилларида Шаҳрисабз марказида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкалини тиклаганимиз, бу муборак заминда ётган буюк зотларнинг мақбараларини обод қилиб, аждодларимиз руҳи олдидаги фарзандлик бурчини адо этганимиз, янги тарихимиздаги катта, унутилмас воқеадир... Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз-авлиёлар Шаҳрисабз довруғини дунёга таратган», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Шу ўринда сўнгги йилларда Президентимизнинг таклиф ва топшириқлари асосида Қашқадарё вилояти, жумладан, Қарши шаҳри ҳар томонлама равнақ топмоқда. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрида «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва кенг кўламда тадбирлар режаси белгиланиб бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Юртбошимиз 2005 йилнинг ёзида вилоятимизга ташрифи чоғида бажарилаётган ишлар кўламини обдон кўздан кечириб, Қарши шаҳри юбилейини, 2006 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги билан уйғун ҳолда ўтказиш тўғрисида амалий маслаҳат бердилар. Орадан кўп ўтмай, яъни 2005 йил 26 июлда Юртбошимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

2005 йил охирида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланган эди. Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилоти Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга қарор қилди. Шундан келиб чиқиб Президентимизнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини ўтказишга тайёргарлик тўғрисида»ги қарори эълон қилинди ва бу тантанани 2007 йил баҳорида ўтказиш белгиланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тарих ҳар бир халқ характерининг кўзгуси. Унда ҳамма нарса ўз ҳолича акс этмоғи лозим. Қадим юртимиз, буюк аждодларимиз, азиз-авлиёларимиз тарихини холисона ўрганиб, бу бебаҳо бойликни кейинги авлодларга етказиш биз — тарихчи олимлар учун энг шарафли, масъулиятли вазифа ҳисобланади.

**Аҳмаджон ЧОРИЕВ,**
**Қарши давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор**

# XORIJDA

## ХИТОЙ

Хитойнинг аҳоли зич яшайдиган жануби-ғарбий вилоятлари охирги 100 йилда кузатилмаган қурғоқчилик қуршовида қолди.

Июнь ойининг бошидан буён Чунцин шаҳри яқинида ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 40 даражадан пастга тушгани йўқ. Бу ердаги 18 миллионга яқин аҳоли ичимлик суви етишмаётганлигидан азият чекмоқда. 11 миллион гектар майдондаги экинлар қурғоқчиликдан зарар кўрди. Янцзи дарёсида сув сатҳи 4 метрга тушиб кетди.

Маҳаллий ҳукумат вакиллари табиий офатни жиловлаш учун кескин чоралар кўрмоқда. Қишлоқ хўжалигига етган 1 миллиард долларлик зарар янада ўсмаслиги учун деҳқонларга гуруч ўрнига сувга эҳтиёжи камроқ бўлган экинларни етиштириш тавсия этилган.



## ЭРОН

Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан уранни бойитишни тўхтатиши учун Эронга берилган муддат тугади. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Ал-Барадей яқин кунлар ичида Теҳрон халқаро ҳамжамият талабларига қанчалик бўйсунгани ҳақидаги ҳисоботни БМТга тақдим этиши керак.

Ўтган ойда қабул қилинган резолюцияда Хавфсизлик Кенгашига бўйсунмаслик Эронга нисбатан халқаро ва иқтисодий санкциялар қўлланилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида айтилган.

Эрон ҳукумати эса уранни бойитиш эрон халқининг ҳуқуқи эканлигини таъкидлаб, бу борадаги ҳаракатларни давом эттиришини билдирган. Сешанба куни Теҳронда ўтказилган матбуот анжуманида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот унинг мамлакати пўписалардан қўрқмаслиги ва Эронга қўлланиладиган чораларга қараб керакли қарорларни чиқаришга тайёр эканлигини айтди.

БМТ ХК Эроннинг ядро дастури ҳарбий характерга эга эканлиги ва бу ишларнинг давом эттирилиши ядро қуролини яратишда қўлланиладиган компонентлар ишлаб чиқилишини тақозо этиши мумкин деган фикрда.

Бунинг олдини олиш учун эса ХКнинг доимий бешта аъзоси АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Германия Эрон билан ядро энергетикаси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бир неча таклифларни олға суришганди. Бу таклифларга Теҳрон аниқ жавоб бергани йўқ.

Эрон парламенти спикери Ғулом Али Ҳадад Одил айни пайтда Эрон Ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартномадан четга чиқмаслигини маълум қилди. Шу билан бирга, унинг сўзларига кўра, атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслик масаласи Эрон халқи, Мажлиси ва ҳукумати олдида турган асосий масала эканлигини билдирди.



## БМТ

Исроилнинг «Ҳизбуллох» билан қуролли тўқнашувлари пайтида кассетали бомбаларни ишлатгани учун БМТ Исроилни қаттиқ танқид остига олди. Ҳисоб-китобларга кўра Ливан ҳудудида портлашга улгурмаган юз мингга яқин майда бомбалар бор.

БМТ экспертларининг айтишича, Исроил кассетали бомбаларнинг 90 фоизини зиддиятлар тугашига 72 соат қолганда, яъни БМТ ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилиши аниқ бўлгач, Ливан ҳудудига ташлаган. БМТнинг инсонпарварлик ёрдами бўйича мувофиқлаштирувчиси Ян Эгеланн бу ҳаракатлар жирканч ва пастликдан бошқа нарса эмаслигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, уй ва далаларни бомбалардан тозалаш учун камида бир йил вақт кетади. Ливан аҳолиси эса майда бомбалар портлаши натижасида ҳалок бўлмоқда ёки жароҳат олмоқда.

Чоршанба куни БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт билан учрашиб, Исроилни Ливан қамалини бекор қилишга чақирди. Ольмерт эса тинчлик сулҳининг ҳамма шартлари бажарилмагунча қамал бекор қилинмаслигини айтди.



Ольмерт «Ҳизбуллох» гуруҳи томонидан ўғирлаб кетилиб, қуролли тўқнашувларга сабаб бўлган икки нафар исроиллик аскар қайтарилишини талаб қилди. Бироқ Ливан энергетика вазири Муҳаммад Фнейш бу аскарлар Исроил қамоқхоналаридаги маҳбусларгагина алмаштирилиши мумкинлигини айтди. Ольмерт эса аскарлар озод этилмаса, БМТ ХКнинг резолюцияси тўлақонли бажаралимаяпти, деб ҳисоблашини билдирди.







# «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

## КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

*Халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрам – республика Мустақиллигининг*

**15 йиллиги шодиёнаси**

*билан муборакбод этади.*






**«САМАРҚАНД АВТОТЕХХИЗМАТ»** худудий акциядорлик уюшмаси жамоаси

юртдошларимизни энг улуғ,
энг азиз байрам –
Мустақилликнинг 15 йиллиги билан
чин дилдан қутлайди!

Фурсатдан фойдаланиб, мижозларга «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар: аккумулятор, кузов, кузов жамланмалари ҳамда автомобиль ойналарини таклиф этади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уй. Телефонлар: (8.3662) 34-22-26, 34-22-25.

● Айём арафасида

# «ЮРТИНГ — СЕНИНГ ЮЗИНГДИР»

**Мустақиллик туфайли миллий адабиётимизга бўлган муносабат тамомила янгича кўриниш касб этди. Шу боис ҳам ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида янги-янги овозларни кашф қилиш, уларнинг Ватан, миллат, жонажон халқимиз олдидаги хизматларини эътироф этиш яхши анъанага айланиб қолди. Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙЙИД ҳам Президентимиз Фармони билан юксак унвонга сазовор бўлди.**



**— Сирожиддин ака, аввало, сизни куни кеча Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — «Ўзбекистон халқ шоири» унвонини олганингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Бу мукофот ижодингизга рағбат, ўзингизга янгича куч бағишлашига ишонамиз...**

— Мустақиллик, Ватанимизнинг фазлу камоли ҳар биримиздан алоҳида куч-ғайрат, фидойиликни талаб этади. Бу юксак унвонни — энг аввало, муҳтарам Юртбошимизнинг маънавиятимизга, адабиётимизга бўлган доимий ғамхўрлиги, юксак эътиборининг рамзи деб биламан. Бу унвон, айни пайтда устозларимизнинг, адабиёт йўлида ҳалол заҳмат чекаётган ижодкор дўстбиродарларимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо. Демаккиму, Она диёримизнинг равнақи йўлида зиммамизга янада каттароқ масъулият, вазифалар юклайди. Йўллар ўз-ўзидан қурилмайди, кўприклар, темир йўллар шунчаки осмондан тушаётгани йўқ. Юрт ободлиги, эл фаровонлиги учун ҳаммамиз бирдек масъул ва жавобгармиз.

**— Сизнингча, бугунги кун ижодкори Ватанимизда бўлаётган тарихий ўзгаришларга қандай муносабатда бўлиш керак? Умуман, ҳозирги пайтда ижод аҳли олдига қўйилган талаб нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— Шеърият, умуман адабиётдан талаб ҳам, мақсад ҳам битта: яхшиликка, эзгуликка хизмат қилиш, кўнгилларни, қалбларни обод этиш. Ватанга муҳаббат дилларда камол топади, демак шеърият — Ватанга муҳаббат ҳамдир. Ижодкор ёшларимиз эса адабиётимиз, маънавиятимизнинг улуғ ва умрбоқий дарёлари — ҳазрат Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий каби мумтоз сиймоларимиз ижодларидан қониб сув ичсалар, ўзлари ҳам шу муаззам дарёга янги бир ирмоқ бўлсалар қанийди...

**— Айтинг-чи, Ватанни англаш нимадан бошланади?**

— Ватанни англаш Ватандан бошланади. Бизнинг Ўзбекистондан бошқа Ватанимиз ҳам, онамиз ҳам йўқ. Истиқлолимизнинг Бош саҳифаси — Мустақиллик майдонига борсангиз, Эзгулик аркасига тикилсангиз, Мустақиллик ва Эзгулик монументига разм солсангиз элу юртимизнинг улуғвор мақсад-ниятларини англай бошлайсиз, кўксингиз ҳаяжонларга тўлади. Ватанни англаш — унинг заҳматлари, камолию равнақи, унга муносиб фарзанд бўла олиш саодатини англаш лаҳзаларидан бошланади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча элдошларимизни она Ўзбекистонимизнинг улуғ байрами — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги билан чин дилдан табриклайман. Бахту саодат, яхшиликлар доимо ёр бўлсин!

**Жасур ҲУСАНОВ**
**суҳбатлашди**

*Баланд-баланд тоғларда*
*Бекорларга қор бўлмас.*
*Чирқираган полапон*
*Бежиз бир кун сор бўлмас.*
*Бўталари изидан*
*Келмаса гар, нор бўлмас.*
*Юртинг — сенинг юзингдир,*
*Юртнинг ўзи бор бўлмас.*
*Ном қолдирсанг, ортингдан*
*Шавкат ҳам шаън қолдирсанг.*
*Тупроғига орингни*
*Сен тан-батан қолдирсанг.*
*Ҳар бир ўғил-қизингга*
*Эрку Ватан қолдирсанг —*
*Мардлар минган отларинг*
*Номардларга хор бўлмас!*

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## «ҚУДРАТИМИЗ ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА»

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида мустақиллик кунига бағишланган фестивал бўлиб ўтди. Унда турли миллат ва элат вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Қарши шаҳар ҳокими Ш.Турсунов кириш сўзи билан очди. Кўнгил тилаклари, орзу режалар айтилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган корейс, татар, бошқирд, туркман миллий-маданий марказлари ва украин миллатига мансуб қаршиликлардан ташкил топган ҳавасворлик гуруҳининг бадиий чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Турли тилларда куй, қўшиқ ва миллий рақслар ижро этилди. Ватанни, дўстликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. Ҳа, бу Ватан, бу тупроқ ягона. Агар у тириклик дарахти бўлса, илдизлари дўстлик, аҳилликдан озиқланади. Шунинг учун ҳам Ватан муқаддасдир.

**Юнус УЗОҚОВ**

# БУХОРОДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Бугун қадим Бухоро ўзгача чирой очган. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шариф шаҳарнинг кўчаю хиёбонлари, маҳалла ва гузарларида ажиб тароват, ўзгача шукуҳ кезади. Кечагина асфальт ётқизилган кўчалар, улар ўртасидаги гулзор йўлаклар, фойдаланишга топширилган осмонўпар коллежу савдо марказларига боқиб, дилингни фахр-ихтихор туйғуси қамраб олади.

— Бугунги Бухорони кўрган киши чинданам ҳайратга тушади, — дейди шаҳар ҳокими Карим Камолов. — Куни кеча Мустақиллик тантаналари ўтказилган Ибн Сино номли майдон байрам арафасида қайта реконструкция қилинди. Майдоннинг 6000 квадрат метрига янги плиталар ётқизилди. Амфитеатрга эса янги дарвозалар ўрнатилиб, замонавий ёритгичлар ўрнатилди.

Биргина бу эмас, бунёдкор бухороликлар қисқа ойлар ичида Олимпия захиралари ва маданият касб-ҳунар коллежларини қуриб битказдилар. Байрам олдидан «Ўзбекистон Мустақиллиги» ва «Баҳоуддин Нақшбанд» кўчаларида қад ростлаган икки қаватли кўркам биноларни айтмайсизми? Пири дастгир кўчасида бир йўла иккита хусусий даволаш муассасаси иш бошлади, «ЎзДЭУ автотеххизмат» янги салони эса шаҳарга ўзгача ҳусн бағишлади.

Шаҳар марказида бошланган катта байрам тантаналарида ҳам бошдан оёқ шу руҳ сезилиб турди. Саҳна декорацияларида қадимий обидалар ёнида Мустақиллик йилларида барпо этилган кўркам бинолар ўз аксини топди. Мустақиллик тенгдошлари Истиқлол йиллари қўлга киритилган ютуқларни қўшиқ тарзида изҳор этишганда, кўпчиликни фахр-ифтихор туйғуси қамраб олди.

— Ҳар йили байрам Бухорога, унинг фарзандларига катта қувончлар олиб келмокда, — дейди вилоят мусиқали драма театри актёри Нодира Мўминова. — Бу йил мен ҳам Юртбошимизнинг Фармонлари билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» юксак унвонига сазовор бўлдим.

Дарвоқе байрам кунларида қайси бир бухоролик билан суҳбатлашманг, Мустақилликнинг қадри тилга олинади. Бугун биргина вилоят марказида эмас, балки туманлару олис овулларда ҳам байрам шукуҳи сезилиб юрибди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

## ҲИКМАТЛАР САНДИҒИДАН

- *Ватани борнинг бахти бор, Меҳнат қилганнинг — тахти.*
- *Тинч элнинг боғи гуллар.*
- *Ҳар кимга ўз юрти азиз.*
- *Ҳамжиҳат халқ — ҳарсангдан қаттиқ.*
- *Элим деган бандани Худо сийлар.*
- *Ҳамжиҳат юртга душман йўламас.*
- *Халққа суянганни Афлотун ҳам йиқолмас.*
- *Давлат тинч — халқ тинч.*
- *Ўзга юртда султон бўлгандан Ўз юртингда ултон бўлганинг яхши.*

**Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ**

● Интер-спорт

## РЕВАНШ ЖАНГГИ БЎЛАРМИКАН?

WBC йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли украиналик боксчи Виталий Кличко яна рингга қайтиш орзусида юрибди. Унинг гапларига қараганда, англиялик Леннокс Льюис катта боксга қайтадиган бўлса, Виталий сўзсиз у билан реванш жангги ўтказишга рози бўларкан. «Тўғри, мен катта спорт билан хайрлашганман. Шунга қарамай, ҳозир ҳам мухлисларга ажойиб жанг томошаларини кўрсатиш имкониятига эгаман, — дейди Виталий. — Таассуфки, менинг бокс билан хайрлашишимга кетма-кет жароҳатлар сабаб бўлди». Шунингдек, Кличконинг сўзига қараганда, у ҳозир пухта тайёргарликка эга. Ҳафтасига икки-уч марта мунтазам машғулотлар ўтказар экан. Эслатамиз, Виталий Леннокс билан Лос-Анжелесда жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган жангнинг олтинчи раундида украиналик боксчининг жароҳати туфайли баҳс тўхтатилган эди.

## ФОЛБИНГА ИШОНГАН ШОҲМОТЧИ

ФИДЕ йўналишида шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони болгариялик Веселин Топалов россиялик Владимир Крамник билан баҳс чоғида экстрасенсдан фойдаланмоқчи бўлиб турибди. Топаловнинг менежери баёнотига қараганда, экстрасенс Белорусдан бўлиб, гроссмейстернинг «эски» ҳамроҳларидан экан. Бундан ташқари, Владимир ўзи билан мусобақага 10 нафар кишини таклиф қилган. «Бу масалада бирон нарса дейиш қийин, — дейди ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов. — Бир вақтлар Багиода ўтказилган Карпов — Корчной учрашувида ҳам ана шундай экстрасенс — фолбинлардан фойдаланилганди, чоғи. Гапларга қараганда, фолбинлар шоҳмотчи рақибини теран фикр юритишига халақит қиларкан. Мен эса бундай уйдирмаларга ишонгим йўқ. Ҳар бир қатнашчи ўзи билан 10 нафар кишини таклиф қилиши мумкин. Борди-ю, улар орасида фолбин бўлса, уни ҳам аккредитациядан ўтказишга тўғри келади». Эслатамиз, Крамник — Топалов учрашуви шу йилнинг 21 сентябридан 13 октябрига қадар Элисте шаҳрида бўлиб ўтади.

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

**«POYTAXT AUKSION»**

**давлат унитар корхонаси**

**2006 йилнинг 3,6,10,13,17,20,24,27, 31 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

*Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 22-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Ветеринария бошқармасига қарашли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 АС 778 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси* ***1 600 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.***

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.*

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

***Мурожаат учун телефон:* 133-23-40.**

*Гувоҳнома № 000815*




**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Xurshid RAUPOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 1150
*7474 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O`zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**